

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКРАМОВА ИРОДА АБРОЛЖОНОВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК ВА
ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акратова Ирода Абролжонова

COVID-19 билан касалланган беморларнинг

клиник ва лаборатор хусусиятлари..... 3

Акратова Ирода Абролджановна

Клинико-лабораторные особенности больных с COVID-19..... 25

Akramova Iroda Abroldzhanovna

Clinical and laboratory features of patients with COVID19 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКРАМОВА ПРОДА АБРОЛЖОНОВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРАЛАРНИНГ КЛИНИК ВА
ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1906 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ибадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунга келиб коронавирус инфекцияси ўзининг оғир кечиши, бир қатор асоратлари ва ўлим ҳолатлари туфайли вирусли касалликлар орасида энг муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланиб келмоқда. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «... COVID–19 билан касалланган беморларнинг аксарияти бутунлай соғайиб кетади, касалликдан соғайганларнинг тахминан 10-20% турли хил ўрта ва узоқ муддатли оқибатлардан азият чекадилар»¹. Катта ёшдаги беморларда ҳамроҳ касалликлар мавжудлиги касалликнинг оғир кечишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, COVID–19 касаллиги ёшларда енгил кечиши ҳақида тахмин қилинган маълумотларга қарамай инфекция олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва касалликнинг оғир шакллари ёки ўлим хавфи ҳар қандай ёшдаги одамда бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Шу сабаб турли ёш гуруҳларида янги коронавирус инфекциясининг клиник кечиши хусусиятларини ҳамда асоратларини аниқлаш ва самарали даволаш амалий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда COVID-19 билан касалланган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, COVID–19 билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини намоён бўлишини аниқлаш, COVID–19 кечишида касалликнинг оғирлик шаклини, беморларни ёндош касалликлари билан боғлиқлигини ўрганиш, COVID–19 ни оғирлик шаклига кўра, лаборатория кўрсаткичларини баҳолаш, COVID-19 беморларда иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришларни аниқлаш, клиник ва лаборатор кўрсаткичлари асосида COVID–19 касаллигини клиник кечишида башорат қилувчи мезонларини аниқлаш, касалликни асоратларини, ўлим ҳолатига олиб келувчи ҳамроҳ касалликларни аниқлаш даволашни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни хусусиятлари, жумладан COVID-19 ни ташҳисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...коронавирус инфекцияси тарқалишини ва асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш»² каби вазифалари белгиланган. Шу сабабли, модернизация қилиш, COVID19 билан касалланган шахсларни аниқлаш ва даволашнинг

¹World Health Organization website 2023. [https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/coronavirus-disease-\(covid-19\)-post-covid-19-condition](https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/coronavirus-disease-(covid-19)-post-covid-19-condition)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 4649-сонли «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори

инновацион усуллари кўллаш орқали патологиянинг ўлимга олиб келадиган оқибатларини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 25-июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 26-мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коронавирус инфекциясида пандемия даврида, нафас етишмовчилиги, ўткир респиратор дистресс синдром, тромботик асоратлар туфайли юқори ўлим кўрсаткичи кузатилди. SARSCoV-2 респиратор эпителиал хужайраларга киргандан кейин баъзи беморларда «цитокинлар бўрони» ҳолатини келтириб чиқаради ва кўп миқдорда яллиғланиш билан боғлиқ цитокинлар ажралади. Иммуножавобнинг регуляцияси бузилади. COVID-19 дан кейин аутоиммун касалликларнинг ривожланиши иммуносупрессия натижасида бўлади, шунингдек, тикланувчи иммунитетнинг мос келмаган шакли, цитокинлар бўрони туфайли туғма ва орттирилган иммуножавобнинг фаоллашиши ҳам муҳим саналади (Айткулова Г.М., 2021).

Янги коронавирус инфекциясининг оғир кечиши кўп миқдорда яллиғланишга қарши цитокинларнинг ишлаб чиқарилиши, агрессив яллиғланиш жараёнининг кучайиши билан бирга келади, ушбу касалликнинг кечиши ва прогнозининг асосий белгилари сифатида қаралиши мумкин. IL-6 концентрациясининг 150 пг/мл дан ошиши летал оқибатнинг прогностик мезонидир (А.А.Гришева., 2021). Шунини таъкидлаш лозимки, COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш – оғир касаллик хавфи остида бўлган потенциал гуруҳни аниқлашда фойдали бўлиши мумкин (Wang J., 2021).

Беморларнинг организмида SARS-CoV-2 вирусининг цитотоксик таъсири остида иммуно тизимини ўзгариши, ошқозон ости безининг бета хужайраларини деструкциясига ва яллиғланиш жараёнининг фаоллашиши гомеостаз ҳамда метаболик касалликларнинг, шу жумладан углевод алмашинувининг бузилишига олиб келади (Алимов А.В., 2021).

Даволашнинг самарали олиб борилмаслиги, қоида тариқасида, беморнинг ўлимига олиб келади. Агар ўткир босқичдаги беморларнинг иммуно функцияси самарали бўлса, ёндош касалликлар мавжуд бўлмаса ва

оптимал даволаш амалга оширилса, тикланиш босқичига ўтиш билан вирусни самарали йўқ қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда иммунологик лаборатор ўзгаришлар натижасида беморларда юрак қон томир тизими, асаб тизими, суяк-мушак тизими ва эндокрин аъзолар тизими билан боғлиқ асоратларни ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатади. Шу билан бирга айтиш лозимки, бугунги кунда коронавирус инфекцияси натижасида келиб чиқадиган асоратлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, бу эса касаллик даврида лаборатор ташхисотини чуқур ва қўшимча текширувлар билан ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ бажарилган (2020-2022йй).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID–19 билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини намоён бўлишини аниқлаш;

COVID–19 кечишида касалликнинг оғирлик шаклини, беморларни ёндош касалликлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

COVID–19 ни оғирлик шаклига кўра, лаборатория кўрсаткичларини баҳолаш;

COVID-19 беморларда иммунологик кўрсаткичлар (IL-6, IL-17, anti – TPO, anti – ssDNA -G, anti- GAD) ўзгаришларни аниқлаш;

клиник ва лаборатор кўрсаткичлари асосида COVID–19 касаллигини клиник кечишида башорат қилувчи мезонларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2022 йилларда Зангиота Ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонасининг Б блокада COVID–19 ташхиси билан даволанган 23 ёшдан 93 ёшгача бўлган беморлар (n=182) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони ва қон зардобини олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник (респиратор, гемодинамик, биокимёвий кўрсаткичлар), молекуляр – генетик, иммунофермент (IL-6, IL-17, anti – TPO, anti – ssDNA -IgG, anti-GAD) ва статистик (Пирсон коэффициентини хи квадрат (χ^2) ва Фишер усули) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 касаллигида қонда асосий ялиғланиш билан боғлиқ цитокинлардан IL-6, IL-17а юқори даражаси касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги исботланган;

COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини ортиши касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги аниқланди;

COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни ривожланишида, қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини ортиб бориши исботланди;

COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг кўтарилиши эндокрин ва юрак қон томир тизими билан боғлиқ асоратларни келиб чиқиш маркери эканлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

IL-6 ва IL-17 кўрсаткичларини COVID-19 ва ёндош касалликлар мавжуд беморларда дастлабки босқичларда ўрганиш касалликнинг оғир кечишини эрта аниқлади;

COVID-19 билан касалланган беморларда касалликдан сўнг пайдо бўлувчи эндокринологик, ревмотологик, ва аутоиммун касалликларини эрта аниқлаш учун қўшимча иммунофермент (anti – TPO, ssDNA-IgG, anti- GAD) тадқиқот усулларининг амалий аҳамияти асосланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик сабаб аутоантиначаларни юқори бўлиши беморларни тегишли мутахассисларга эрта йўналтириш лозимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, иммунологик, серологик ҳамда статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобида асосий ялиғланиш билан боғлиқ цитокинлардан IL-6, IL-17а, бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитаначалар кўрсаткичларини ўз вақтида аниқланиши, касалликни оғир кечишини, эндокрин ва юрак қон томир тизими билан боғлиқ касаллик, асоратларни ҳамда беморларда ногиронликнинг келиб чиқишини эрта олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, коронавирус инфекциясининг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда эндокрин ҳамда аутоиммун асоратларни аниқланиши муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги, уларни ўз вақтида даволаш беморларни шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 1 н-з/42 - сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 касаллигида қонда асосий ялиғланиш билан боғлиқ цитокинлардан IL-6, IL-17а юқори даражаси касаликнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан касалланган беморларда IL-6, IL-17 интерлейкинлар кўрсаткичларини юқори бўлиши беморларда касалликни оғир кечишига сабаб бўлган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика махсус 1 сон Зангиота шифохонаси 2023 йил 9 февралдаги №27-П сонли буйруғи ҳамда Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2023 йил 10 июн ойидаги №15-Х буйруғи билан билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда интерлейкинлар IL-6, IL-17 кўрсаткичларини шифохонага келган кундан бошлаб аниқлаш касалликни оғир кечувини эрта аниқлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда IL-6, IL-17 кўрсаткичларини шифохонага келган кундан бошлаб аниқлаш касалликни оғир кечишини эрта аниқлаш имконини берган ва асоратларни камайтириш имконини бериш орқали даволашга сарфланган харажатларини 1 250 000 сўмга камайтиришга эришилди. *Хулоса:* COVID-19 билан касалланган беморларда IL-6, IL-17 кўрсаткичларини шифохонага келган кундан бошлаб аниқлаш орқали COVID-19 билан касалланган беморларни юқумли касалликлар шифохонасида 1 нафар беморни даволашга сарфланадиган бюджет маблағларини 1 250 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобидида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини ортиши касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан касалланган беморларда қон зардобидида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичлари динамикада касалликнинг оғир кечувида юқорилаб бориши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобидида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини ошиши касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар Республика махсус 1 сон Зангиота шифохонаси 2023 йил 9 февралдаги №27-П сонли буйруғи ҳамда Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2023 йил 10 июн ойидаги №15-Х буйруғи билан билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморлар қон зардобидида бир

занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини стационар даводан олдин текширилиши ҳисобига беморларга ўз вақтида COVID-19 ни оғир кечишини эрта олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID–19 билан касалланган беморлар қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини стационар даводан олдин текширилиши ҳисобига беморларга ўз вақтида ташхис қўйилиб даволаш орқали беморларда беморнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 850 417 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* COVID–19 билан касалланган беморлар қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги, глутамат декарбоксилаза ҳамда тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини стационар даводан олдин текширилиши ҳисобига беморларга ўз вақтида COVID-19 ни оғир кечишини олдини олиш, беморларда беморнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш имконини берди;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни ривожланишида, қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини ортиб бориши исботланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни ривожланишга бўлган мойиллик қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини юқорилаб бориши мумкин эканлигини англатади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни ривожланишга бўлган мойиллик қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини юқорилаб боришини ўрганилиши ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар Республика махсус 1 сон Зангиота шифохонаси 2023 йил 9 февралдаги №27-П сонли буйруғи ҳамда Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2023 йил 10 июн ойидаги №15-Х буйруғи билан билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни келиб чиқишга бўлган мойиллик қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини юқорилаб боришининг ўрганилиши беморларда касаллик даврида ва касалликнинг тикланиш даврида юзага келиб чиқувчи аутоиммун касалликларни аниқлаш ва ногиронликни эрта олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда аутоиммун касалликларни ривожланишга бўлган мойиллик қон зардобида бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тирэопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини юқорилаб боришининг ўрганилиши беморларда касаллик даврида ва

касалликнинг тикланиш даврида юзага келиб чиқувчи аутоиммун касалликларни аниқлаш орқали уларнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 119 564 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* COVID-19 билан касалланган беморларда қон зардобиди бир занжирли ДНКга қарши G синфидаги ва тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларини юқорилаб боришининг ўрганилиши орқали уларнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 119 564 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг кўтарилиши эндокрин ва юрак қон томир тизими билан боғлиқ асоратларни келиб чиқиш маркери эканлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти Анамнезда эндокрин касалликлари бўлмаган COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларнинг динамикада кўтарилиши беморларда эндокрин ва юрак қон томир тизими касалликларини ривожланиши мумкинлигини аниқлатади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Анамнезда эндокрин касалликлари бўлмаган COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг динамикада ўрганилиши ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар Республика махсус 1 сон Зангиота шифохонаси 9 феврал 2023 йилдаги №27-П сонли буйруғи ҳамда Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2023 йил 10 июн ойидаги №15-Ҳ буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* анамнезда эндокрин касалликлари бўлмаган COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг динамикада ўрганилиши беморларда касаллик даврида ва касалликнинг тикланиш даврида юзага келиб чиқувчи эндокрин ва юрак қон томир тизими билан боғлиқ касалликларга мойил гуруҳни аниқлаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* анамнезда эндокрин касалликлари бўлмаган COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг динамикада кўтарилиши эндокрин ва юрак қон томир тизимида асоратлар ривожланиши мумкинлигини ифодалайди. Бу эса асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш орқали беморларда беморнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 119 564 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* анамнезда эндокрин касалликлари бўлмаган COVID-19 билан касалланган беморларда глутамат декарбоксилаза ҳамда тиреопероксидаза ферментларига қарши аутоантитанача кўрсаткичларининг динамикада кўтарилиши эндокрин ва юрак қон томир тизимидаги асоратларни

ривожланиши мумкинлигини ифодалайди. Бу эса асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш орқали беморларда беморнинг шифохонада даволаш муддатини қисқартириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 119 564 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларини 220 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19-муаммонинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. COVID-19 коронавирус инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, ташхисоти, беморларда ёндош касалликлар мавжудлигига боғлиқ ҳолда клиник кечиши ва COVID-19 нинг оғирлик даражалари ҳақида маълумотлар берилган.

COVID-19 нинг клиник кечиши натижасида юзага келиб чиқувчи асоратлар шу жумладан Ўткир респиратор дистресс синдром, цитокинлар бўрони, эндокрин асоратлар ва касаллик оқибатлари ҳақида батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Текширувдаги беморларнинг қисқача тавсифи ва қўланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг умумий ташкиллаштиришдаги изланишлар, текширилган беморларнинг қисқача тавсифи ва тадқиқот усуллари таъриф берилган.

Тадқиқотларда 2021-2022 йиллар давомида 2-Зангиота ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонасининг Б блокада COVID-19 билан касалланган 182 нафар беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичларини таҳлил натижалари келтирилган. Беморлар

шифоҳонага ётқизилган кундан уларни оғирлик даражаларига кўра, гуруҳларга ажратилган.

COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларнинг ёши 23 ёшдан 93 ёшгача бўлиб, ўртача ёши $62,30 \pm 1,04$ ни ташкил этди. Улар орасида 60 ёшдан 80 ёшгача бўлган беморлар кўпчилиқни ташкил этди. Улардан 92 нафарини (50,5%) эркак ва 90 нафарини (49,5%) эса аёллар ташкил этди.

Беморларнинг аксариятини (147;80,8%) касалликнинг оғир шакли бўлган беморлар, 18 (9,9%) нафарини ўрта оғирликдаги ва касалликнинг ўта оғир шакли бўлган 17 нафар (9,3%) беморлар ташкил этган.

Ташхис беморларнинг шикоятлар тўплами, эпидемиологик анамнез, ҳаёт тарихи, физикал ва лаборатор текширув натижалари асосида тасдиқланган. Беморлар текшируви ва даволаш тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йилда ишлаб чиқилган «Янги коронавирус инфекциясининг COVID-19 олдини олиш, диагностикаси ва даволаш тамойиллари» нинг кўрсатмасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотда барча беморлар дастлаб ва динамикада клиник, биокимёвий ва иммунологик текширув (IL-6, IgM, IgG), пульсоксиметрия, ЭКГ, КТ (МСКТ), УТТ дан ўтказилган.

Молекуляр – генетик текширув усули SARS CoV-2 вирусининг РНК сини ажратиш ва Полимераза занжирли реакциясини ўтказиш йўли билан бажарилди.

Тадқиқот давомида 182 нафар беморлардан танлаб олинган 53 нафар беморларда даволашдан олдин ва даволашдан сўнг қўшимча иммунологик текширувлар бажарилди.

Иммунологик текширув усули: Интерлейкин – 6, 17 (IL-6, IL-17) цитокинларининг концентрацияси «Вектор-Бест» (Россия) компаниясининг реагентлари тўплами ёрдамида аниқланилди. Аниқлаш усули иммунофермент таҳлили, қаттиқ фазали «сендвич» вариантыга асосланган.

Бир занжирли ДНК (anti – ssDNA G) нинг G синифига мансуб антитаначалар ва antiTPO миқдорини аниқлаш «Вектор-Бест» (Россия) томонидан ишлаб чиқарилган реагентлар тўплamlари ёрдамида амалга оширилди. Натижалар ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси асосида бажарилди ва баҳоланди.

antiGAD таркибини аниқлаш «ElisaRSR» (Германия) томонидан ишлаб чиқарилган реагентлар тўплamlари ёрдамида амалга оширилди. Натижалар ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси асосида бажарилди ва баҳоланди.

Олинган натижаларни статистик таҳлили Excel 2016 амалий дастурлар тўплами ёрдамида бажарилди. Шартли равишда танлаб олинган 53 нафар беморлар икки гуруҳга (ўрта оғир ва оғир) ажратилди. Беморларда даволашдан олдин ва даволашдан кейин қон зардобдаги (IL-17, antiTPO, antiGAD, anti – ssDNA G) иммунофермент таҳлил натижалари Excel жадвалига киритилди. Жадваллар ва фоизлар Excel нинг электрон

жадвалларида формулалардан фойдаланилган ҳолда ҳисобланди. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик ишончли деб қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотдаги беморларнинг клиник хусусиятлари, физикал текширув маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги (пульсоксиметрияси ва нафас олиш тезлиги), коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ва коронавирус инфекцияси натижасида ўлган беморлардаги лаборатор таҳлил хусусиятлари тавсифланган.

Тадқиқотга олинган беморларда касалликнинг дастлабки белгиларидан бири иситма эди (98;53,8%), беморлар анамнезига кўра иситма кўтарилиши касаллик бошида 38°C гача, сўнг 38°C дан юқорилаб боришини кўрсатди. Касалликнинг кечишига қараб биз текширган беморларнинг тана ҳароратини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 37°C дан 38°C гача бўлган ҳарорат касалликнинг ўрта оғирликдаги беморлар орасида ($64,219 \pm 2,14\%$), ва 38°C дан 39°C гача бўлган ҳарорат ўта оғир даражадаги беморлар ($45,5 \pm 2,03\%$) да қайд этилган.

Тана ҳарорати 39°C дан юқори бўлиши кам ҳолларда касалликнинг оғир ($2,50 \pm 0,18\%$) ва ўта оғир шакллари билан касалланган ($4,08 \pm 0,20\%$) беморларда кузатилди.

172 (94,51%) беморларда ҳолсизлик қайд этилди, асосан оғир шаклдаги беморлар (97,3%) ташкил этди. Йўтал 133 (73,08%) нафар беморларда кузатилди, асосан қуруқ йўтал, баъзида енгил балғам аралаш. Оғир шакли билан 109 (74,15%) нафар бемор, касалликнинг ўрта оғирлигида 13 (72,2%) ва ўта оғир коронавирус инфекцияси бўлган 11 (64,7%) нафар беморлар йўталдан шикоят қилди. Нафас қисилиши (ҳансираш) 170 (93,4%) нафар беморни безовта қилди, оғир шаклидаги беморлар гуруҳида ушбу аломат 142 (96,6%) нафар беморларда кузатилди, касалликнинг ўрта оғирлигида 16 (88,9%) нафар беморни, ўта оғир кечишида 12 (70,6%) нафар беморларда кузатилган.

Миалгия симптоми 85 (46,7%) нафар беморларда кузатилган, асосан касалликнинг оғир кечиши бўлган беморларда (71; 48,3%) ушбу аломат аниқланди. Ўта оғир шаклидаги беморлар учун (52,5%), бу аломат ўрта оғир кечишида (38,9%) ва оғир шаклидаги (46,7%) беморларда рўйхатдан ўтиш частотасига нисбатан кўпроқ аниқланди. ($P < 0,05$).

90 (49,45%) беморларда бош оғриғидан шикоят бўлган, касалликнинг оғир шакли бўлган беморларда бу аломат 49,7%, ўрта оғирликдаги беморларда 55,56% ва ўта оғир беморларда 41,2% да аниқланди.

Ошқозон-ичак тракти функцияси бузилиши билан боғлиқ шикоятлардан беморларда иштаҳасизлик (129; 70,9%), кўнгил айниши (29; 15,9%), диарея (4; 2,2%) кузатилган. 4 нафар (2,2%) беморларда томоқ оғриғи кузатилди. Асосий шикоятлар томоқ қичиниши (85;46,7%) билан боғлиқ эди.

Беморларни физикал текшируви таҳлилида, артериал қон босими, пулс, нафас олиш тезлиги, қондаги кислород концентрацияси (тўйинганлик)

кўрсаткичларига асосланиб, тана ҳарорати ошиши билан беморларда юрак уриш тезлигининг ошиши билан боғлиқлик ўртача оғир шаклидаги беморларда ўртача $86,83 \pm 3,42$ гача, оғир шаклида $90,23 \pm 1,42$ гача ва ўта оғир шаклидаги беморларда юрак уриш тезлиги дақиқада $101,2 \pm 2,36$ гача зарбага кўтарилганлигини аниқладик (1-жадвал)

1-жадвал

COVID-19 билан касалланган беморларнинг оғирлик даражасига кўра физикал текширув кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўрта оғир шакли n=18	Оғир шакли n=147	Ўта оғир шакли n=17
А/Б мм.сим.уст.	122,4/78,4	132,8/86,7	144,4/88,6
Пулс (мин)	$86,83 \pm 3,42$	$90,23 \pm 1,42$	$101,2 \pm 2,36^{*•}$
Нафас тезлиги (мин)	$16,17 \pm 0,76$	$24,51 \pm 0,36^{*}$	$28,94 \pm 1,01^{*•}$
SpO ₂ , %	$89,83 \pm 1,03$	$86,77 \pm 0,75^{*}$	$78,24 \pm 1,32^{*•}$

Изоҳ: *—касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончилиги, $P < 0,05$;

*•—касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончилиги, $P < 0,05$.

Беморларнинг умумий сонидан (n=182) нафас етишмовчилги (НЕ) 179 (98,35%) беморларда қайд этилди: НЕ-1 — 21 (11,53%), НЕ-2 — 80 (43,95%), НЕ-3 — 78 (42,86%) нафар беморларда қайд этилган.

Беморларда касалликнинг оғирлиги ва жинсига қараб ўткир нафас етишмовчилигининг тарқалиши таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 1-даража асосан аёл жинсига мансуб беморларда, 2 ва 3-даража ўткир нафас етишмовчиликлари (ЎНЕ) асосан эркак беморларда кузатилган (2-жадвал).


2 жадвал

Ўткир нафас етишмовчилигининг COVID -19 билан касалланган беморлар жинси ва касалликнинг оғирлигига кўра тақсимланиши

ЎНЕ даражаси	Ўрта оғир шакли (n=18)		Оғир шакли (n=147)		Ўта оғир шакли (n=17)	
	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак
ЎНЕ 1	7 (38,9%)	3 (16,7%)	8 (5,44%)	3 (2,0%)	-	-
ЎНЕ 2	1 (5,6%)	2 (11,1%)	35 (23,81%)	39 (26,53%)	1 (5,88%)	2 (11,76%)
ЎНЕ 3	1 (5,56%)	1 (5,56%)	31 (21,09%)	31 (21,09%)	2 (11,8%)	12 (70,6%)

Пневмониянинг оғирлик даражаси КТ ёрдамида ўтказилиб, касалликни авж олган даврида ўпка тўқималарининг зарарланиш даражаси қабул қилинган градациясига мувофиқ қуйидагича таҳлил қилинди: КТ-1 —

32.5%, КТ-2 — 45%, КТ-3 — 19.10%, КТ-4 – 3.30% беморлар ташкил этди.(1-расм)



1-расм. COVID-19 билан касалланган беморларда ўпканинг ҳолати бўйича компьютер томографиясидаги ўзгаришлар

COVID -19 билан касалланган беморларда касалхонага қабул қилинган куни таҳлил қилинди. Энг кўп сони касалликни бошланишидан 2 - куни (108; 59,34%) ва 3-куни (16;8,9%), 5-куни (16;8,9%), 7-куни (20; 11,0%) ва 10-куни (24; 13,2%) ташриф буюрган беморлар ташкил этди. COVID -19нинг ўта оғир кечишида беморлар асосан касалликнинг 5-кунида (6; 35,3%) қабул қилинган.

Тадқиқотга олинган беморларда ёндош касалликларнинг учраши таҳлили шуни кўрсатдики, 100,0% (182) беморларда ҳамроҳ касалликлар аниқланган, улар орасида (110; 60,44%) юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ташкил этди, бу ўта оғир (70,59%) ва оғир шаклидаги (62,59%) беморларда аниқланди. Беморларнинг 75% гипертония касаллиги (ГК) аниқланди ва беморларнинг аксарияти 3-даражали ГК ва оғир шаклидаги беморлар (56,46%) ва ўта оғир (65%) шаклидаги беморларда мос равишда кузатилди. Беморларда ёндош касалликларидан бири қандли диабет касаллигининг 2 типи - 61 (33,5%) беморларда (52; 28,6% ҳолларда касаллик оғир кечган беморларда) аниқланди. Беморларда 25 (13,8%) турли даражадаги семиришга эга эканлиги аниқланди ва 23 (12,6%) ҳолларда бу касалликнинг оғир шакли бўлган беморлар ташкил этди. Барча ортиқча вазнли беморларнинг 82,6% аёллар эди.

Шунингдек, ОИВ инфекцияси (2; 1,1%), сурункали вирусли гепатит С (8; 4,4%), бронхиал астма (2; 1,1%), 5 (2,7%) беморларда ўпканинг сурункали обструктив бронхити (ХОБЛ), жигар циррози (5;2,7%), кахексия (7; 3,84%), сурункали пиелонефрит (5; 2,7%) аниқланди.

Шу билан бирга, биз текширган беморларда қандли диабет биринчи маротаба коронавирус инфекцияси сабаб асорат сифатида қайт этилган 43 (35,5%) беморлар аниқланилди (3-4жадваллар).

3-жадвал

COVID – 19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражасига кўра аниқланган асоратларнинг таҳлили натижалари

Касаллик кечиши	Ўрта оғир шакли (n=18)		Оғир шакли		Ўта оғир шакли (n=17)		Жами (n=182)		
	м.р.	%	м.р.	%	м.р.	%	м.р.	%	
Асоратлар									
Қандли диабет	3	16,67±0,96*	36	24,49±0,41	4	23,53±1,18*•	43	23,63±0,36	
2 томонлама интерстинал зотилжам	11	61,11±1,84*	73	49,66±0,58	13	76,47±2,11*•	97	53,30±0,54	
Полисегментар зотилжам	3	16,67±0,96*	69	46,94±0,56	10	58,82±1,85*•	76	41,76±0,48	
Нафас етишмовчилик	1	10	55,56±1,75*	11	7,48±0,23	-	-	21	11,54±0,25
	2	3	16,67±0,96*	74	50,34±0,58	3	17,65±1,02*•	80	43,96±0,49
	3	2	11,11±0,79*	62	42,18±0,53	14	82,35±2,19*•	78	42,86±0,48
ЎЮҚТЕ	-	-	6	4,08±0,17	2	11,76±0,83*•	8	4,40±0,16	
Сепсис	1	5,56±0,56*	1	0,68±0,07	-	-	2	1,10±0,08	
Энцефалопатия	1	5,56±0,56	8	5,44±0,19	3	17,65±1,02*•	12	6,59±0,19	
полиорган етишмовчилик	-	-	1	0,68±0,07	3	17,65±1,02	4	2,20±0,11	
Қон томир тромбози	-	-	-	-	2	11,76±0,83	2	1,10±0,08	

Изох: :*–касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончлилиги, P<0,05;

*•–касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончлилиги, P<0,05.

4-жадвал

COVID – 19 билан касалланган беморларни оғирлик даражасига кўра илк маротаба аниқланган қандли диабетнинг тақсимланиши (n=43) (M±m)

кечиши / тури	Ўрта оғир шакли (n=18)	Оғир шакли (n=147)	Ўта оғир шакли (n=17)
ҚД 1	-	1 (0,68±0,07%)	1 (5,88±0,59)
ҚД 2	3 (16,67±0,96%)	36 (24,49±0,41%)*	2 (17,65±1,02%)*•

Изох:*–касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончлилиги, P<0,05;

*•–касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончлилиги P<0,05.

COVID-19 билан оғриган беморлар касалхонага ётқизилганда асосий лаборатория кўрсаткичлари таҳлил қилинди. COVID-19 нинг оғир ва ўта оғир кечишида беморларда паст гемоглобин даражаси аниқланди (106,7 ва 2,0 ва 105,6 ва 8,3 г/л мос равишда). Касаллик ўрта оғир шаклда кечган беморларда ушбу кўрсаткич 118,8±6,1 г/л ни ташкил этди. Касаллик даврида беморларда лейкоцитлар даражасининг ошиши аниқланди, касаллик оғир ва ўта оғир кечишида беморларда лейкоцитоз (12,7±0,69 ва 15,7±2,5 минг/ куб мм) мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, COVID-19 билан касалланган беморларда ЭЧТ қийматининг (оғир - 24,0±1,2, ўртача -19,9±3,1 ва ўта оғир шакллар билан - 23,0±3,5 мм соатига тўғри келади) ошиши аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

COVID – 19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражасига кўра умумий қон таҳлили кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	Ўрта оғир шакли	Оғир шакли	Ўта оғир шакли	жами
Гемоглобин (110-160 г/л)	118,8±6,1	106,7±2,0	105,6±8,3	107,7±1,9
Лейкоцитлар 4-9 минг/куб мм	7,4±0,87*	12,7±0,69	15,7±2,5	12,5±0,63
Эритроцитлар (3,9-5,3 млн/куб.мм)	9,7±5,4	4,0±0,07	3,8±0,26	4,5±0,53
Тромбоцитлар (150-390 минг/куб мм)	251,1±23,1	262,2±8,3	270,9±29,5	261,9±7,6
Лимфоцитлар (19-37%)	28,1±4,2*	13,4±0,94	12,7±1,7	14,7±0,93
ЭЧТ (1-15 мм/с)	19,9±3,1	24,0±1,2	23,0±3,5	23,6±1,1

Изоҳ:* – касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончлилиги, P<0,05.

Қонни биокимёвий таҳлил қилиш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилида С-реактив оқсилнинг (СРО) сезиларли даражада ошганлигини аниқланди. COVID-19 билан касалланган беморларда СРО кўрсаткичи касалликни ўрта оғирликда кечишида 34,0±19,2 мг/л., оғир кечишида 34,1±3,3 мг/л касалликнинг ўта оғир кечишида (63,2±9,3 мг/л) юқори даража қайд этилган. Бундан ташқари, қонни биокимёвий текширувида глюкоза миқдори сезиларли даражада ошиши кузатилди, бу касалликнинг оғир ва ўта оғир шаклида энг кўп намоён бўлди (8,3±0,38 ва 8,2±0,96 ммоль/л). Шунингдек, COVID-19нинг ўта оғир ва оғир кечиши кузатилган беморларда жигар ферментлари, умумий ва боғланган билурубин кўпайиши кузатилди (6-жадвал).

COVID – 19 билан касалланган беморларда касалликнинг кечишига кўра биокимёвий қон таҳлили кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	Ўрта оғир шакл	Оғир шакл	Ўта оғир шакл	жами.
Глюкоза (3,3-6,5 ммоль/л)	7,5±0,90	8,3±0,38	8,2±0,96	8,2±0,33
АЛаТ до 40 бирлик/л	26,2±3,6	36,9±2,9	43,1±10,3*	36,4±2,5
АСаТ до 40 бирлик/л	28,6±4,3*	43,6±4,4	63,5±23,0*	44,0±4,1
Ум.оқсил (64-85 г/л)	69,7±1,5	66,2±0,51	65,3±1,6	66,4±0,45
Албумин 35-50 г/л	34,9±1,8	33,7±0,41	32,7±0,99	33,7±0,32
Холестирин 5,17 ммоль/л. гача	3,3±0,0	4,0±0,28	3,5±0,17	3,9±0,11
Карбамид 2,5-8,3 ммоль/л	5,6±0,50*	9,9±0,72	9,1±0,99*	9,4±0,58
Креатинин 62-115 ммоль/л	81,6±6,0*	107,4±7,2	109,0±1,30*	104,8±5,8
Ум.билурубин 21,0 мкмоль/л гача	7,9±0,58*	14,9±1,6	26,8±10,1*	15,8±1,5
Боғланган билурубин 0-5,1 мкмоль/л	2,6±0,44*	7,0±1,3	7,9±2,4*	6,9±0,79
СРО	34,0±19,2	34,1±3,3	63,2±9,3	37,5±2,5
Калий	4,6±0,17	4,2±0,19	4,5±0,25	4,3±0,07
Натрий	144,8±6,2	149,1±1,8	152,3±2,0	149,4±0,65
Калций 2,02-2,6 ммоль/л	1,9±0,09	2,0±0,20	1,80±0,0	2,0±0,06

Изоҳ:* – касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончилиги, P<0,05;

*• – касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга нисбатан фарқнинг ишончилиги, P<0,05.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар қон зардобини иммунологик таҳлил натижалари муҳим аҳамиятга эга. Касалликни оғир даражасида қабул қилинган беморларда дастлабки даврда Д – димер қийматлари меъерий кўрсаткичлардан ўртача 3 баравар юқори (1669,9±146,9 нг/л) ва ўта оғир шаклида 4 баравар (1946,1±581,8 нг/л) юқорилиги; Ферритин қийматлари оғир (287,7±18,3 мкг/л) ва ўта оғир шаклларда (362,7±54,4 мкг/л) ҳам миқдори юқори даражага кўтарилди. Прокалцитонин даражасини таҳлил қилиш фақат ўта оғир беморларда назорат қийматларидан юқори бўлганлигини кўрсатди (7 – жадвал).

COVID – 19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражасига кўра иммунофермент таҳлил кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар		Ўрта оғир шакли	Оғир шакли	Ўта оғир шакли	жами
